

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ
290 –СОНЛИ МАЖЛИСИ қарорлари

26 февраль 2020 йил
Тошкент шаҳри
Қатнашдилар: Раис – проф. Х.А.Акилов
Котиба – доц. Гулямова М.К.
Кенгаш аъзолари - 72 кишидан 56 киши

Кун тартиби

I. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” - «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5729-сон 27.05.2019й фармонини ўрганиш. Проф. Акилов Х.А.

II. Хирургия факультетида олиб борилаётган ўқув-услубий, илмий ва даволаш ишлари ҳақида ҳисобот. Факультет декани т.ф.д. Кариев С.С.

III. Ўқув услубий ишларни такомиллаштириш .Ўқув ишлари буйича проректор Касимова М.С.

IV. Турли масалалар

Услубий ҳужжатларни тасдиқлаш

Докторлик илмий ишларни тасдиқлаш

услубий ҳужжатлар плагиат тизимида текширилиш

Олимлар кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.

Олимлар кенгашининг аъзолари кун тартибидаги масалаларни эшитиб, муҳокама қилиб, қуйидаги қарорларни қабул қилдилар:

I. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” - «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5729-сон 27.05.2019й фармонини ўрганиш бўйича:

Олимлар кенгаши қарори: 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5729-сонли Фармони ижроси юзасидан Олимлар Кенгашининг қарори лойихаси тасдиқлансин.

2. ТошВМОИ барча факультет деканлари, кафедра мудирлари ва бўлим бошлиқларига: А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5729-сонли Фармони ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигитизимида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 283-сонли буйруғи ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида 2019 йил 12 сентябрь куни 100-сонли ва 2020 йил 22 январь куни 11-сонли буйруқлари ижро учун қабул қилинсин.

Б. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига асосан қабул қилинган ТошВМОИ меъёрий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари”нинг ижроси бўйича кафедраларда тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин.

В. Институтда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари, коррупцияга қарши курашиш тўғрисида ходимлар ва курсантлар орасида мунтазам тарғибот ишлари йўлга қўйилсин.

Г. Худудлардан ихтисослаштириш ва малака ошириш цикларида курсантларнинг ҳужжатларини электрон (автоматлаштирилган) тарзда “Электрон йўлланма” тизими орқали қабул қилиш тизими жорий этилсин.

Д. Курсантлар ўртасида таъмагирлик ва коррупция ҳолатларини аниқлаш борасида мунтазам сўровномалар (аноним) ўтказилсин.

Е. Институтнинг “Шифокор” меҳмонхона типигаги ётоқхонасида таъмагирлик ва коррупция ҳолатларини олдини олиш мақсадида тунги текширув рейдлари амалга оширилсин.

Ж. Ходимларни ишга қабул қилиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилсин.

З. Кафедраларда ўқиш жараёнини мунтазам назорат қилиш, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, мансабга совуққонлик билан қараш ҳаракатларини олдини олиш мақсадида махсус кузатув камералари билан тўлиқ жиҳозлаш масаласи хал қилинсин.

И. ТошВМОИнинг расмий сайтида коррупция масалаларини ўз ичига олган ҳуқуқбузарликлар ва уларга шароит яратувчи омиллар ҳақида хабар беришга имконият яратувчи ягона портал маълумот базаси яратилсин.

К. Мазкур буйруқ ва Олимлар кенгаши қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси юзасидан ҳар ойнинг 10 санасига қадар институт ички назорат бўлимига маълумотнома киритилсин.

Масъул: кафедралар мудирлари, тегишли булимлар раҳбарлари
Мазкур қарорларни барча бандлари ижроси бўйича назорат факультет деканлари ва назорат инспекциясига топширилсин.

Муддати уқув йили давомида.

II. Хирургия факультетида олиб борилаётган ўқув-услубий, илмий ва даволаш ишлари ҳақида ҳисобот бўйича:

Олимлар кенгашининг қарори: 1. Хирургия факультетининг ҳисоботи қониқарли деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони ижроси юзасидан ҳар бир кафедра йиллик ҳисоботларида коррупцияга қарши олиб борилаётган тадбирларни ёритиш лозим деб топилсин.

Масъул: кафедралар мудирлари

Назорат: фак. декани

3. ПҚ 43-10 ижроси борасида: кафедраларнинг приоритет йўналишлари сифатида қисқа муддатли цикллар, сертификатлаштирилган ММО, хорижий ҳамкорлар иштирокидаги циклларни уюштириш, маҳорат сабоқлари ташкиллаштиришга алоҳида аҳамият

қаратилсин.

Масъул:кафедралар мудирлари

Назорат:фак.декани ва ўқув бўлими

4. Президентнинг ПҚ 43-10, 2909,3151 қарорлари ижроси борасида институт низоми ва Ҳолатига мос равишда кафедралар фаолиятини активлаштириш лозим деб топилсин.Бунинг учун:

-институт сайтида ахборотлар жойлаштирилсин

-таълимнинг янги илғор технологиялари жорий қилинсин

-кундузги-сиртқи ва масофавий таълим йўналишлари кенгайтирилсин

-Республика вилоятлари бош мутахассислари билан алоқалар кучайтирилсин

-ёш муаллимларнинг инглиз тили ва АКТ бўйича билим ва савияларини оширишга алоҳида аҳамият қаратилсин.

-конференция ва маҳорат сабоқлари ташкиллаштиришда уларни хорижий етук олимлар иштирокида вилоятларда кенгроқ татбиқ қилишга аҳамият қаратилсин.

-илмий ишларни кўламини кенгайтириш ва уларни жадаллигини ошириш мақсадида илмий раҳбарларнинг тадқиқотчилар устидан назорати кучайтирилсин.

Масъул:кафедралар мудирлари

Назорат:фак.декани

Мазкур қарорларни барча бандлари ижроси бўйича назорат факультет декани ва ўқув бўлимига ва назорат инспекциясига топширилсин.

Муддати ўқув йили давомида.

Ш. Ўқув услубий ишларни такомиллаштириш .Ўқув ишлари буйича проректор Касимова М.С.

Олимлар кенгашининг қарори: Проректор Касимова М.С.нинг ўқув услубий ишларни такомиллаштириш бўйича қилган маърузаси ижро учун қабул қилинсин.

Масъул:Барча ходимлар,кафедра мудирлари

Келтирилган барча бандлари ижроси бўйича назорат факультет декани ва ўқув бўлимига топширилсин.

Муддати ўқув йили давомида.

Олимлар кенгаши раиси,

Олимлар кенгаши котибаси

проф.Акилов Х.А.

доц.Гулямова М.К.